LLC "TTT-AUDIT"
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
Uzbekistan

LIMITED LIABILITY
COMPANY «TTT-AUDIT»
(JPA INTERNATIONAL)

5 office Yangiobod street. Fergana. Uzbekistan. 150100.
Tel . (91) 651 80 13 (0373) 241 64 48. (95) 400-80-13 Web sayt: ttt-audit.uz Email: tttaudit@mail.ru
The license AF № 00773 issued by Ministry of Finance from 2009.04.05.

АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Ижобий фикр билдирилган

Хулоса санаси. **28 февраль 2020 йил**

"FARG'ONADONMAHSULOTLARI» А/Ж
раҳбариятига

Манзил: **"FARG'ONADONMAHSULOTLARI»** АЖ. Фаргона шахар Ал Фаргоний кўчаси 93 уй. АТБ Агробанк Фаргона шахар. х/р 203210 000 000 194 811 001. МФО 00495. ИНН 200 453 366 Оконх 19211. ОКЭД 10610

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шахри Янгиобод 5 уй уй. ХАБ "TRAST BANK". х/р 20208000100921886001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оконх 84400, тел 0(373) 2416448 email: tttaudit@mail.ru.) Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хуқуқи билан 05.04.2019 йилда берилган АФ № 00773-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335–реестр билан рўйхатга олинган гувохнома) бош директори бош аудитор САР **Ботиров М Х** томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05052 25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект **"FARG'ONADONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг "Бухгалтерия *баланси Ф-1*, *Молиявий натижалар Ф-2*, "Хусусий капитал" ва "Пул оқимлари тўгрисида"ги хисобот шаклларидан иборат 2019 йил 01 январидан- 2019 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"FARG'ONADONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамияти** томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган **“FARG'ONADONMAHSULOTLARI» акциядорлик жамиятининг** 2019 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

Масъулияти чекланган «TTT-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти бош директори
бош аудитор. САР **М.Х Ботиров**

Аудитор малака сертификати № 05052
25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги
томонидан берилган